

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**КАМОЛОВ ҚОБИЛ МАМАЮСУПОВИЧНИНГ
КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ КОРХОНАЛАРДА
МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИНГ
АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**(«Марказгазтаъминот» Унитар корхонасининг
«Тайлоқтумангаз» филиали
мисолида)**

**5А340902 - "АУДИТ" мутахассислиги бўйича магистр
академик
даражасини олиш учун ёзилган**

Илмий раҳбар: доц. Р.Д. Рофеев

САМАРҚАНД – 2010

Илмий ишнинг таркибий тузлиши

КИРИШ

**I-БОБ. КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ
КОРХОНАЛАРДА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ АУДИТИНИНГ
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

**II-БОБ. КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ
КОРХОНАЛАРДА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ АУДИТИНИНГ
ТАШКИЛИЙ, АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ ВА КЕТМА-КЕТЛИГИ**

**III-БОБ. КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ
КОРХОНАЛАРДА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ БЎЙИЧА ҲИСОБ-
КИТОБЛАР АУДИТИ ВА УНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ**

**IV-БОБ. КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ
КОРХОНАЛАРДА ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ
МАСАЛАЛАРИ**

ХУЛОСА

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати
ИЛОВАЛАР**

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар мувафаққияти, хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали фаолият юритиши, ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган меҳнат муносабатларининг ўзгаришига бевосита боғлиқ бўлади. Маълумки, ҳисоб жараёнида ҳудди шу меҳнатга ҳақ тўлаш мазмуни, унинг амал қилиш механизми доимо такомиллашиб боришни зарурат қилиб қўймоқда.

Мавзунинг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Танланган мавзу Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, унинг таркибий бўлинмаси бўлган “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси томонидан олиб борилаётган илмий изланишларнинг истиқболли режаларига киради ва уларнинг теварагида бажарилган мустақил иш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Аудитнинг ривожланишида меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисоб-китобининг аудитини республика қонуниятларига амал қилишини таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштиришга қаратилган илмий тавсиялар ҳамда амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат. Бу мақсадга эришиш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни талаб қилади:

- меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисоб-китобининг аудитининг назарий асосларини умумлаштириш;
- меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисоб-китобининг аудитини мавжуд концепцияларни чуқур таҳлил қилиш ва бир тизимга келтириш;
- коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналари ва бошқа тармоқларда меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисоб-китоби аудитининг ўзига хос компонентлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни илмий асослаш;
- меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисоб-китобининг аудитини такомиллашувига олиб келувчи омилларни амалий аудит ўтказиш орқали аниқлаш;
- коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналарда аудит ўтказиш жараёнида иш ҳақи ҳисоби маълумотларини аудит натижалари билан таққослаш, иқтисодий таҳлил усуллари асосида таҳлил қилиш;
- коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналарда иш ҳақи аудитининг ўзига хос йўналишларини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;
- коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналарда иш ҳақи ҳисоби аудитини илмий асосда ўрганиш, мазкур аудитнинг ижобий жиҳатларини тўлароқ ишга солиш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар иш ҳақи ҳисоби аудитининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш, иш ҳақи ҳисоби аудити натижаларидан самарали фойдаланиш ва ҳамда аудитни такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқрози даврида Республикамиз коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат ҳақи ҳисоби аудитини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш ва бир тизимга келтириш тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳисобланади. Шунга мувофиқ, тадқиқот ишининг илмий янгилиги қуйидаги ҳолатларда аниқ намоён бўлади:

иш ҳақи ҳисоби тушунчасининг иқтисодий мазмуни очиб берилган;

иқтисодий адабиётлардаги мавжуд маълумотлар таҳлили асосида меҳнатга ҳақ тўлаш аудитининг таснифи ишлаб чиқилган ва бир тизимга келтирилган;

коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар ва бошқа тармоқларда иш ҳақи ҳисоби аудитининг умумий ва тафовутли томонлари назарий жиҳатдан асосланган;

иш ҳақи ҳисоби аудитини ўтказиш орқали аудитни ташкил этишнинг муҳим омиллари аниқланган, умумлаштирилган ва олдинги меҳнатга ҳақ тўлаш аудитини ташкил этишдаги муаммоларни бартараф этиш йўллари кўрсатилган;

аудит жараёнида иш ҳақи ҳисобини солиштириш, тафтиш, инвентаризация, бухгалтерия счёти ва икки ёқлама ёзув ҳамда баланс усуллари асосида таҳлил этилган;

меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоб аудити натижасини аудиторлик ҳисоботи ва ҳулосасида акс эттириш назарий жиҳатдан тадқиқ этилган;

меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоб аудитини яхшилаш йуллари ишлаб чиқилган.

**2005-2010 йилларда энг кам иш ҳақи ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи
тўғрисида маълумот***

Йил-лар	Ойлар оралиғи	Энг кам иш ҳақи	Даромад солиғи ставкалари	Иш ҳақининг ошиши фоизи	Ўзгаришлар ўтган даврга нисбатан (ўсишга)	
					Энг кам иш ҳақи (сўм)	Даромад солиғи (фоиз)
2005	январ-апрел	6530	13%-21%-30%		-	-
	май-сентябр	7835		20	1305	
	октябрь-декабр	9400		20	1565	
2006	январ-июн	9400	13%-20%-29%	-	-	0%-1%-1%
	июл-октябрь	10800		15	1400	
	ноябр-декабр	12420		15	1620	
2007	январ-июн	12420	13%-18%-25%	-	-	0%-2%-4%
	июл-сентябр	15525		25	3105	
	октябрь-декабр	18630		20	3105	
2008	январ-март	18630	13%-18%-25%	-	-	-
	апрел-август	20865		12	2235	
	сентябр-ноябр	25040		20	4175	
	декабр	28040		12	3000	
2009	январ-июл	28040	12%-17%-22%	-	-	1%-1%-3%
	август-ноябр	33645		20	4035	
	декабр	37680		12	4035	
2010	январ-апрел	37680	11%-17%-22%	-	-	1%-0%-0%

1991-2004 йилларида Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқлари ва соҳаларида ўртача ойлик иш ҳақ тўлаш миқдорлари нисбати ва унинг ўзгариши (%ларда)

Тармоқлар ва соҳалар номи	1991	1996	2000	2004	2009
Республика бўйича ўртача	100	100	100	100	100
шу жумладан:	113	139,1	198,3	183,0	163,0
1. саноатда	109,5	76,6	47,3	24,8	29,9
2. қишлоқ хўжалигида	121,9	152,0	169,9	157,0	161,7
3. қурилишда	113,4	137,7	166,7	148,9	133,7
4. транспортда	97,5	142,2	182,2	153,3	121,6
5. алоқада	106,3	144,6	316,2	308,2	301,9
6. информацион-ҳисоблаш хизматида	79,2	90,7	121,3	92,1	89,8
7. уй-жой,коммунал хўжалиги, маиший хизматда	73,4	64,6	74,3	53,9	76,8
	78,2	64,5	89,7	60,8	60,8
8. соқлиқни сақлаш, ижтимоий таъминотда	65,5	65,9	82,0	58,9	58,9
	74,6	80,0	100,7	71,6	71,6
9. халқ таълимида	111,9	121,9	143,1	103,9	103,9
10. маданиятда	178,2	182,8	204,5	217,5	217,5
11. санъатда	108,0	99,9	127,7	79,8	79,8
12. фан ва илмий хизмат кўрсатишда					
13. молия, кредит ва суғуртада					
14. бошқарув органларида					


**Бугунги кунда коммунал хизмат кўрсатувчи
корхоналарда иш ҳақи ҳисоблашнинг қуйидаги
шакллари қўлланилмоқда:**

- **Вақтбай иш ҳақи ҳисоблаш усули;**
- **Вақтбай мукофотли иш ҳақи ҳисоблаш усули;**
- **Ишбай иш ҳақи ҳисоблаш усули;**
- **Ишбай мукофотли иш ҳақи ҳисоблаш усули;**
- **Меҳнат шартномаси асосида иш ҳақи ҳисоблаш
усули;**
- **Акорд иш ҳақи ҳисоблаш усули.**

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф
СЕТКАСИ

Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари
0	1,000
1	2,377
2	2,616
3	2,878
4	3,165
5	3,467
6	3,783
7	4,112
8	4,454
9	4,797
10	5,147
11	5,503
12	5,870
13	6,242
14	6,617
15	7,000
16	7,388
17	7,781
18	8,180
19	8,585
20	8,995
21	9,411
22	9,830

Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклларининг пирамадаси



Иш ҳақи ҳисоб-китоби аудити учун корхона бухгалтерияси маълумотлари.

Меҳнат ҳақи аудитида фойдаланиладиган ҳужжатлар ва ҳисоб регистрлари

Бошланғич ҳужжатлар: ишга қабул қилинганлиги, ишдан бўшаши ва меҳнат таътилига чиқариш, моддий ёрдам тўғрисидаги буйруқлар, касаллик варақалари, ишончнома, касса чиқим ва кирим ордери, табел, наряд, хизмат сафари варағи, табел, наряд, чек ва бошқалар.

Йиғма ҳужжатлар: қайдномалар, аванс ҳисоботлари, банк кўчирмалари, солиқ ҳисоботи, статистик ҳисобот (1-Т шакил), молиявий ҳисобот шакиллари.

Ҳисоб регистрлари: иш ҳақи тўғрисида маълумот, корхона устави, жамоа шартномаси, бош китоб.

**"Тайлоқтумангаз" корхонасида 2010 йил 1 январь ҳолатига штат жадвали бўйича ва
ҳақиқатда ишловчи меҳнат ресурсларининг таркиби, структураси ва динамикасининг
таҳлили**


Т/р	Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили				Мутлоқ фарки (+,-)	
			Штат жадвалида		Ҳақиқатда		Ўтган йилдан	Режадан
			Сони, киши	Салмоғи, %	Сони, киши	Салмоғи, %		
1	Ишчилар	79	79	59,8	78	60	-1	1
2	Хизматчилар	10	11	8,3	11	8,4	1	0
3	Рахбар ходимлар	7	6	4,5	6	4,6	-1	0
4	Мутахассислар	32	32	24,2	31	23,8	-1	1
5	Қаровулик хизмати ходимлари	4	4	3,0	4	3,0	0	0
	Жами	132	132	100	130	100	-2	2

**"Тайлоктумангаз" корхонасининг 2008-2009 йилларда суғурта бадалига
тортиладиган сумма аудити натижалари**

№	Йиллар	Хисоб маълумотлари	Текширишда	Фарк	
				Куп	Кам
1	2	3	4	5	
1	2008 йил	7149,6	6218,5		931,1
2	2009 йил	10191,3	10335,2	143,9	
	Жами	17340,9	16553,7	143,9	931,1

"Тайлоқтумангаз" корхонасининг 2008-2009 йилларда ягона ижтимоий тўловга тортиладиган сумма аудити тўғрисида маълумот

№	Йиллар	Ҳисоб маълумотлари	Текширишда	Фарқ	
				Кўп	Кам
1	2	3	4	5	6
1	2008 йил	68636,6	59698,1		8938,5
2	2009 йил	69883,2	70870	986,8	
	Жами	138519,8	130568,1	986,8	8938,5



Республикада аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур қонуний-ҳуқуқий база шакллантирилгани, уни фаол ривожлантириш учун амалий иқтисодий рағбатлар ва солиқ имтиёзлари ҳамда преференциялар яратилгани, лицензиялар бериш тизими сезиларли даражада соддалаштирилгани ва либераллаштирилгани қайд этиб ўтиш лозим.

Шу билан бирга аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирлар суств ва баъзи ҳолларда сифатсиз татбиқ этилмоқда, чунончи, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоб аудит тизимидаги ишлар ҳолати ошган талабларга жавоб бермайди. Бундай аудит ҳали бизнес самарадорлигини реал баҳолашнинг амалий воситаси бўлиб қолгани йўқ. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларнинг аудиторлик текширувлари кўп ҳолларда юзаки ва паст профессионал даражада ўтказилади. Иш ҳақи ҳисобланиши, ундан солиқ ва бошқа ушланмаларнинг аудит тизимининг ўзи молия бозорида ҳали етарлича ишонч қозонган эмас.

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда мустақил аудит тизимини янада ривожлантириш, аудиторлик хизматлари сифатини ошириш, аудиторлик ташкилотлари фаолиятини самарали бошқариш усуллари қўллаш, меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китобларнинг аудиторлик текширувларининг натижалари ва ҳолислиги учун уларнинг жавобгарлигини кучайтириш, шу орқали коммунал хизмат курсатиш корхоналари томонидан уларга нисбатан ишончни ошириш мақсадида қуйидаги ҳулосаларга келдик:

4. Коммунал хизмат курсатиш корхоналарига аҳолини турмуш даражасини яхшилашга хизмат киладиган (иситиш тизими, ободонлаштириш департаменти), уларга кундалик эҳтиёжи учун зарурликларни яратадиган (газ, сув, электир энергия) ташкилотлар киради. Бу соҳада ишлавчи ходимлар жами ишлайдиганларнинг _____% ни ташкил килади¹;

• Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Бугун давлат манфаати эмас, инсон манфаати биринчи ўринда туриши даркор. Фаровон ва бахтли ҳаёт учун қандай эркинликлар зарур бўлса, ҳаммасини туғдириб беришимиз лозим»². Шундан келиб чиқиб, коммуналхизмат курсатиш корхоналарини ривожлантириш, корхоналарда ишлайдига ишчи-ходимлардан самарали фойдаланиш билан бирга уларнинг меҳнатини кадирлаш, ҳамда иш ҳақидан солиқ ва бошқа ушланмаларнинг ушланиши ва туланиши бўйича доимий назоратни кучайтириш лозим. Чунки, ишчи-ходимларидан самарали фойдалансак корхона ривожланади, меҳнатини кадирласак, иш ҳақидан солиқ ва бошқа ушланмаларнинг назорат калсак инсон манфаатини биринчи ўринга қуйган бўламиз, иш ҳақидан солиқ ва бошқа ушланмаларнинг туланишини ўз вақтида таъминлай олсак, ишчилар иш ҳақини ўз вақтида олади, фаровон ва бахтли ҳаёт кечиради.

- 3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқрози даврида Республикамиз коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар меҳнат ҳақи ҳисоби аудитини назарий асосларини ишлаб чиқдик ва бир тизимга келтидик.**
- 4. Аудитор ўз ишини шундай режалаштириши керакки, бу нарса унга белгиланган вақт ичида корхона меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоб ҳисобини, шу билан боғлиқ бухгалтерия баланси моддаларини ва бошқа ҳужжатларининг тўғрилигини аниқлаш, амалга оширилган хужалик муомилаларининг қонунийлиги ва уларни бухгалтерия счётларида акс эттириш тўғрилиги ҳақида ҳолисона ҳулоса қабул қилиш имконини бериши лозим.**
- 5. Аудит фаолиятини яхшилашда уни ахборот билан таъминлаш муҳум аҳамият касб этади. Жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш аудитининг самарали олиб борилиши учун аудитор тўлиқлигича ахборот билан таъминланган бўлиши шарт. Аудит жараёнида аудитор томонидан турли хилдаги ахборот манбаалардан фойдаланиш мумкин. Шунга кўра ахборот манбаларини шартли равишда уч турга бўлдик (ушбу маълумот 3-чизмада келтирилган).**
- 6. Аудит назарияси билан шуғулланувчи олимлар ва амалиётчиларнинг фикрларини ўрганган ҳолда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган меҳнатга ҳақ тўлаш аудиторлик текширувнинг кетма-кетлиги назарий жаҳаттан мукамал урганилди (5-чизмага қаранг).**
- 7. «Тайлоқтумангаз» корхонасини 2009 йил иш ҳақи ҳисоби маълумотларини анализ қилганимизда, иш ҳақ ва унга тенглаштириладиган ҳақлар ҳисоб-китобида хатоликлар мавжуд. Шунга кўра меҳнат ҳақи ҳисобини тематик аудитдан ўтказишни таклиф қиламиз.**

8.Марказгазтаъминот» унитар корхонаси «Тайлоқтумангаз» филиали текширилаётган даврида марказлашган ҳолда умумбелгиланган тартибда солиқ ва мажбурий тўловлар тўловчиси ҳисобланади. Филиал марказлашган ҳолда иш ҳақидан ва унга нисбатан қуйидаги солиқлар ҳисобланади:

- ишчи хизматчилар иш ҳақисидан ушланадиган даромад солиғи,
- ягона ижтимоий тўлов ажратмаси,
- меҳнатга ҳақ тулаш фондидан пенсия жаратмасига мажбурий суғурта 4 фоизли тўловларни тўловчиси ҳисобланади.

9.Марказгазтаъминот» унитар корхонаси «Тайлоқтумангаз» филиали белгиланган нормативларга асосан ишчи ва хизматчилардан ушлаб қолинган даромад солиғи танлама усулда текширилганда даромад солиғи ўсиб боровчи усулда ҳисобланган бўлиб, 2008 йил 30 кишининг ойлиги 1692,4 минг сўм иш ҳақидан ушланадиган даромад солиғидан кам солиқ ва 4 кишидан 328,2 минг сўм кўп ҳисоблангани аниқланди.

10.Коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналарда ходимлар сони кўпчиликни ташкил килади. Хар бир ходимнинг иш ҳақини алохида-алохида текшириб чиқиш имконияти мавжуд эмас. Чунки, иш ҳақи бўйича арфметик ҳисоб-китоб ишлари жуда куп ва аудиторда вақт киска. Шунинг учун меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китобларни аудит килишнинг такомиллашган йулларини ишлаб чиқиш лозим.

Биз ўйлаймизки, тадқиқотимиз жараёнида ишлаб чиқилган тавсиялар ва хулосалар келгусида коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналарда ўтказиладиган иш ҳақи бўйича ҳисоб-китобларнинг аудити қилинганда аудиторлик текширувларининг самарадорлигини оширишга, уларни сифатли ўтказишга, аудиторлик текшируви жараёнини такомиллаштиришга имкон беради

Эътиборларингиз учун
рахмат!